ФРАНЦУЗ ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ

Самарқанд Давлат чет тиллари институтида француз тили ва маданияти маркази очилди.

Тантанага ташриф буюрган Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жан-Клод Ришар икки халқ ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришда марказнинг беқиёс ўрни борлигини айтиб ўтди.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

ҲОВУЗЛАР СУВИ ТИНИК БЎЛАДИ

Халқаро "ЭКОСАН" жамғармаси Хоразм вилояти бўлими Хева шаҳридаги "Меҳрибонлик" уйида тарбияланаётган етим-есирларга 46 минг сўмлик миқдорда кийим-кечак совға қилди. 95-интернат тарбияланувчилари ҳам шундай саховатдан баҳраманд бўлди.

Рўзимбой ҲАСАН.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Пойтахтдаги молия институтида "Ўзбекистонда тад биркорликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш муаммолари" ҳамда "Маънавият ва инсон манфаатлари" мавзуларида конференциялар бўлиб ўтди. Етакчи олим ва мутахассислар маънавият ва инсон манфаатларининг омиллари хусусида мулоҳаза юритдилар.

Мирзо АНВАР.

ЙИЛОЙИКУН 5 БОҚЕАЛАР, ТИНГЛАРИКАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ҒАЛЛА ДЕНГИЗИ МАВЖ УРМОҚДА

Ўзбекистон далаларида ғалла ўрим-йиғими бошланди. Ғаллазорларда 553 та ўрим комбайни ишламоқда. Шундан 57 таси Америкадан келтирилган "Кейс" маркали такомиллашган машиналардир.

Мамлакатимиз деҳқонлари бу йил 1 миллион 490 минг гектар майдонга уруғ сепишган. Шу кунгача 10,5минг гектар майдондаги ҳосил йиғиб олинди. Бу 37600 тонна ғалла демакдир. Деҳқонларимиз 4 миллион тонна ҳосил уйиш учун бел боғлаганлар.

Чарос ҒИЁСОВА.

НОЁБ ЗАРДЎЗ ПАННО ЯРАТИЛДИ

Бухородаги "Совға" зардўзлик маркази ижодий жамоаси Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган махсус панно тайёрлади. Паннода жаҳон меъморчилик санъатининг нодир обидалари ҳисобланмиш Исмоил Сомоний, Чашмаи Айюб мақбаралари, Арк қалъаси, Минораи Калон тасвирлари мовий духобада зар ипларда акс эттирилган.

Даврон БАҲРОНОВ.

ҚЎРИҚ ПИЛЛАКОРЛАРИ МАРРАДА

Қўриқ Сирдарё вилояти пиллакорлари катта довон ошдилар. Давлат омборларига жами 346 тонна хом ашё сотилиб,бу борадаги йиллик режа ошириб адо этилди. Вилоятдаги 9 та туманнинг 8 таси ғалаба маррасига етиб келди. Вилоят пиллакорлари яна 5 тонна сифатли хом ашё етказиб бериш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Абдужалил ЎМАРОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 5 июнь, пайшанба № 65 (22.149).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

БИЗ АБАДИЙ ЕЛКАДОШ ХАЛҚЛАРМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди

Президентимизнинг Қозоғистонга ташрифининг расмий қисми ушбу мамлакат Президенти Нурсултон Назарбоев билан яккама-якка учрашувдан бошланди. Унда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Мулоқот давомида Президентлар халқаро ва минтақавий хавфсизлик муаммолари, жумладан, Афғонистондаги вазият хусусида ҳам бафуржа фикрлашдилар. Икки давлат раҳбарлари азалий қўшничилик, қардошлик ришталарига таянган Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари жадал суръатлар билан ривожланаётганини ҳам алоҳида қайд этиб, бу муносабатлар иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, ўзаро ҳамкорлик ва шерикликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сўнгги вақтларда бир мунча пасайди. Шу боис, икки давлат раҳбарларининг юзма-юз суҳбати чоғида ва Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон делегацияларининг музокараларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Муайян таклифлар киритилди ва бундай саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, қабул қилинган ҳужжатлар қаторида эркин савдо тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

Музокаралар давомида икки мамлакат ўртасидаги нафақат савдо-иқтисодий, балки,

(Давоми 2-бетда).

Қозоғистон Республикаси Президентининг Фармони

И. А. Каримовни «Алтын қыран» (Олтин бургут) ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Қарор қиламан:

1. Қозоғистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва ўзаро ишончни, иқтисодиёт ва мудофаа соҳаларида давлатлараро ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий улкан ҳиссаси, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш борасида қатъий ҳаракат қилаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов «Алтын қыран» (Олтин бургут) ордени билан мукофотлансин.

2. Ушбу Фармон имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ.

Алмати, 1997 йил 2 июнь.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида»

ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли янги китобининг жамоатчиликка тақдим этиш маросими бўлди. Уни республика Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов очди.

Мустақил Ўзбекистонни дунёга танитишда, давлат ва сиёсат арбобларини, жаҳон аҳлини ҳуқуқий, эркин демократик давлат қуришдек улуғ ниятимиздан воқиф этишда Президент Ислом Каримов китоблари муҳим ўрин тутаётгани барчамизга яхши аёндир. Бу асарларнинг АҚШ, Германия, Франция, Россия, Япония, Англия каби мамлакатларда турли тилларда нашр этилгани бежиз эмас. Бугун тақдим этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобининг мундарижаси Интернет тармоқлари орқали узатилиши биланоқ жаҳондаги кўплаб нашриёт ва фирмалардан уни чоп этиш тўғрисида таклифлар туша бошлади. Бу дунё жамоатчилигининг юртимизда юз бераётган буюк ўзгаришларга, давлатимиз раҳбари ўз китобида баён этган эзгу ғояларга қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Алишер Азизхўжаев, адиблар — Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Ҳайриддин Султонов, адабиётшунос ва тарихчи олимлар — Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров, Султонмурод Олимов, Азамат Зиё, сиёсатшунос Рустам Жумаев, журналист Иброҳим Норматов давлатимиз раҳбарининг мазкур китобида давримизнинг энг муҳим ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолари теран таҳлил этилгани хусусида тўхталдилар. Асарда нафақат мамлакатимиз хавфсизлигини, балки Марказий Осиё минтақасида, бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолиш, миллий давлатчилик, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш йўллари ҳақида изчил фикр юритилади. Шунингдек, мамлакатимизда маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бозор муносабатларининг қарор топиши, мулкдорлар синфининг шаклланиши, кучли ижтимоий сиёсат, табиий хом ашё ресурслари ва инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик масалалари атрофлича ёритилган. Мухтасар айтганда, китобда Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси ҳақидаги ўйлар чуқур илмий ёндашув ва холислик билан баён этилган.

Юртбошимизнинг келажак авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолсин деган эзгу даъвати қалбларимизда акс-садо берган эди. Президент китоб ниҳоясида бу ғояни янада ёрқин ифодалаб, шундай ёзади:

«Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорлик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорлик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир».

Маросим иштирокчилари Президентимизнинг ушбу китоби Ватан ва миллат тақдири манфаатларидан келиб чиқиб ёзилганини, у халқимиз тафаккури уфқларини янада кенгайтиришини, буюк келажак сари ҳаракатимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилишини қайд этдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов яқинда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказилган учрашувда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва бунда демократик институтларнинг роли муҳимлигига алоҳида эътибор қаратганликлари бежиз эмас. Юртбошимиз ушбу учрашувда амалдаги Қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳақида тўхталиб, мазкур институтнинг фаолият йўналиши, мақсад-маслакларини халққа кенг ва батафсил тушунтириш лозимлигини ҳам уқтириб ўтдилар. Биз амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори, Олий Мажлис депутати Ахтам ТУРСУНОВ билан шу институт фаолияти ҳақида суҳбатлашдик.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

ёки амалдаги Қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳақида нималарни биласиз?

Ҳуқуқий маданият

— Аввало, мониторинг сўзининг луғавий маъносига эътибор берадиган бўлсак, — дейди Ахтам Саломович, — бу лотинча сўз бўлиб — кузатиш, ўрганиш, истиқболни белгилаш, баҳолаш, фикр-мулоҳаза билдириш, назорат қилиш деган маъноларни англатади. Бизнинг ҳолатимизда мониторинг — инсон ҳуқуқлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини кузатиш, назорат қилиш, тегишли тавсия бериш ва хулосалар билдириш демакдир.

— ***Маълумки, Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги Қонун ҳужжатлари мониторинги институти 1996 йил 3 декабрда Олий Мажлис Кенгаши қарори билан ташкил этилган. Унинг асосий вазифалари нималардан иборат?***

— У илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланиб, уни ташкил этишдан асосий мақсад — юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакат қонунчилигининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрларга мувофиқлигини таъминлаш, уларга амал қилинишини назорат қилишдир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва мезонларга мувофиқлаштириш; инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий меъёрларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш; қонунчилик иши механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий-тадбиқий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

амалдаги қонунларнинг рўёбга чиқарилиши ва уларнинг ижросини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

қонунчилик ишлари юзасидан жорий ва истиқболга мўлжалланган режалар ҳамда дастурларга доир таклифлар ишлаб чиқиш ҳам институт асосий вазифалари ва фаолият йўналишларига киради.

Шундан келиб чиқиб институтнинг жорий йилдаги аниқ иш режаларини ишлаб чиққанмиз. Жумладан, биз Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази билан биргаликда инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларни ҳимоя қилиш концепциясини, шунга оид бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишни кўзда тутганмиз. Шунингдек, биз манфаатдор вазирликлар, идоралар, республикадаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда қонун лойиҳаларининг илмий -ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш жараёнида иштирок этиб келмоқдамиз. Ишимизнинг муваффақияти кўпинча инсон ҳуқуқлари бўйича давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинувига ҳам боғлиқдир.

Албатта, биз Олий Мажлис қўмиталари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, республикадаги бошқа илмий муассасалар билан ҳам ижодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Фикримча, бизнинг илмий асосланган таклифларимиз асосидаги таҳлилий ҳужжатлар, тавсиялар парламентимиз қонунчилик фаолиятини такомиллаштиришга ҳам, қабул қилинган қонунларнинг амалга ошиши механизмини назорат қилишга ҳам ёрдам беради.

— ***Маълумки, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги Қонун ҳужжатлари мониторинги институти юртбошимиз Ислом Каримовнинг парламент VI сессиясидаги нутқидан келиб чиқиб ташкил этилди. Айтингчи, бундай институтлар бошқа мамлакатларда ҳам борми?***

— Қонун ҳужжатларини ўрганиш, кузатиш, баҳолаш, истиқболни белгилаш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи институт бошқа давлатларда йўқ. Лекин, АҚШ сенати ҳузурида, Россия ҳукумати қошида қонунчилик фаолияти билан шуғулланувчи институтлар мавжуд. Яқин вақт ичида эса биз улар билан ахборот ва тажриба алмашинувини кўзда тутаяпмиз.

Бироқ шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, биз хориж тажрибасини ўрганиш жараёнида умуман четдан нусха олмаймиз. Балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича умум эътироф этган меъёр ва тамойилларни миллий демократик тамойилларимиз асосида жорий этамиз. Биз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида кимгадир ёқиш учун, кимгадир ўхшаш учун эмас, балки ўзимизга зарурлиги учун бу масалаларни ҳал қиламиз.

— ***Куни кеча юртбошимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар билан учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозимлигини таъкидладилар. Бу борада институт олдида турган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.***

— Инсоният ер юзида пайдо бўлибдики, доимо ва ҳамма замонларда демократик, эркин ва мустақил жамият қуришни, ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя этадиган тузумни орзу қилиб келган. Ўзбекистон ҳам ўз истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуришни мақсад қилиб олди. Бугунга келиб эса, республикамизда халқимизнинг минг йиллик ҳаётий тажрибаларига, миллий ва маданий анъаналарига мос тушадиган ҳуқуқий демократик жамият тамойиллари қарор топяпти. Айни пайтда янги демократик мезонлар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигини муҳофаза қилиш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.

Демак, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бизнинг ҳам долзарб вазифамиздир. Эндиликда биз инсонларнинг эскича руҳиятини ўзгартириб, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини янгича ҳуқуқий онг билан ҳимоя қила олишларига кўмаклашишимиз, ҳар бир шахсга эркинлик — бу биринчи навбатда мажбурият ва масъулият эканлигини ҳис қилишларини тушунтиришимиз лозим. Бинобарин, умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизида ҳуқуқий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтирсак, юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатли демократик жамият қуришга эришамиз.

Суҳбатдош: Аслиддин БОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БОШЛИҚ «УТВЕРЖДАЮ» ДЕБ ИМЗО ЧЕККАЧ...

Тилга этиборсиз— элга этиборсиз

Наталья Александровна Рязанцевани чекка қишлоқларда ҳам танишади. Лутфи ҳар қандай даврага ярашадиган аёл. «Болалар» жамғармаси вилоят бўлими раиси сифатидаги серқирра фаолиятига тан беришиб, баъзан Наталья опани наманганлик «Тереза момо» ҳам деб қўйишади. Ўзбекча чиройли сўзлайди, урф-одатларимиз руҳиятига ўрнашган. Болалар уйларида, ногирон болалар атрофида кўзида ёш, қалби ўртаниб гиргиттон бўлади, у.

Вилоят босмахонасида ишловчи Николай Аксеневни Коля ака демаса ҳеч ким танимайди. Наманганча шевада бир аския қиладики, кўрган ҳавас қилмай илож йўқ.

Афсуски, барча қардошларимиз ҳам тилимизни суюб, ўрганиб руҳиятимизга кириша олмаяпти-да. Аня Мустаева шаҳардаги «Фазо» меҳмонхонасида ходима. Унга яқинлашиб сўраймиз:

— Бўш жой борми?

— Чего?

— Бўш жой, деяпмиз, борми?

Ниҳоят гап нимадалигини фаҳмлади, шекилли, жавоб қайтарди:

— Да, есть...

Атрофга разм солдик. Меҳмонхонада Давлат тилига эътибор йўқ, чамаси. Пешонага тарс этиб теккудай «Администратор», «Прейскурант», «Телефон платний», «Сбербанк №3571/110» кабиларни кўриб сув бошидан лойқалигига амин бўлдик. Жумладан, ўша «Прейскурант»га «Согласовано» деб меҳмонхона бошқарувчиси Д. Расулов, «Утверждаю» деб «Полёт» (!) ташкилоти раҳбари И.Саидхонов бежирим имзо чеккач, оддий ходимадан нима гина?!

Ташрифимизни малол келиб қарши олган раҳбар Дилмурод Расуловнинг айтишича, ходимлар махсус дастур асосида Давлат тилига ўқитилган. Бироқ муассасада иш юритиш асосан рус тилида. Баъзан бир-икки хорижлик ҳисобга олинмаса, меҳмонлар асосан республикамиз фуқаролари. Шундай бўлгач, ахборотномаларни ўзбекчага ўгириб қўйиш, наҳотки, шу қадар оғир бўлса?

Вилоят таносил касалликлари диспансери раҳбарлари ҳам ўз муассасаларига ерга қараб кириб чиқишади, шекилли. Акс ҳолда, 6 йилдан бери шифохона кираверишидаги «Минздрав УзССР...» деворхатига бирорталарининг кўзи тушиб қоларди. Ичкарида эса, ловуллаган алвон рангли «регистратура» лавҳаси ёнида, кўринмас жойда ихчам «Рўйхатхона» ҳам осиглиқ. Шунисига ҳам шукр, ҳар ҳолда йўқдан кўра бор-да.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли қўмитаси «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Наманган вилоятида ижро этилишини муҳокама қилди. Таҳлил ва хулосалар шундан далолат беряптики, ҳали вилоятда бу соҳада кўп иш қилиш зарур. Биз ўйлаймизки, амалий ишлар руҳиятимиз ва маънавиятимиз тимсолига эътиборни оширади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЗ АБАДИЙ ЕЛКАДОШ ХАЛҚЛАРМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Орол муаммоси, Осиёда ҳамжиҳатлик ваўзаро ишонч меъёрлари кенгаши жараёни, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғистон ҳамкорлигида тузилган «Центразбанк» банки фаолияти билан боғлиқ кўплаб бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг Қозоғистонга расмий ташрифи ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Чунки айнан мана шу ташриф чоғида ўндан ортиқ ҳужжат имзоланди. Сармояларни ҳимоялаш, саноат сармоясини муҳофаза қилиш, электр ва почта алоқаси, темир йўл, атроф муҳит тозалигини асраш ва табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш, ҳуқуқий ахборот алмашишда ҳамжиҳатлик билан ишлаш тўғрисидаги бу ҳужжатлар, албатта, юксак даражада ривож топган Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини янада мустаҳкамлайди ҳамда мамлакатларимизнинг ҳамкорлик ва шериклик алоқаларини янги босқичга олиб чиқади.

Имзоланган ҳужжатлар қаторида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Қозоғистон ҳукуматлараро комиссиясини тузиш ҳақидаги Протокол ҳам ғоят муҳим аҳамиятга моликдир. Зеро, бугунги кунда гарчи ҳар икки мамлакат ҳуқуқий демократик давлатқуриш йўлидан бораётган бўлса-да, бу мақсадни амалга ошириш учун ички имкониятлар ва шарт-шароитни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Жўғрофий жойлашуви, иқтисодий салоҳияти, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, қолаверса, менталитети ва дунёқараши каби омиллардан келиб чиққан ҳолда ҳар икки мамлакатда ҳам фақат уларнинг ўзигагина хос бўлган ислоҳотлар ўтказилмоқда. Шу боис, Ислом Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи чоғида юқорида номи зикр этилган Протоколга имзо чекилди. Бу Протокол икки томонлама ҳамкорликнинг оқсаётган жиҳатларини бартараф этиш, муайян мақсадларни амалга ошириш йўлида ҳар икки томон учун манфаатли бўлган режалар ишлаб чиқиш, ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, корхоналар даражасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш ва бошқа тадбирлар билан шуғулланажак қўшма комиссияни тузишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бунинг мазмунан ўхшаш, моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган Ўзбекистон ва Қозоғистон учун қанчалар катта аҳамиятга эга эканини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Шу боис, таъкидланиши жоиз бўлган алоҳида бир фикрни қайд этиб ўтамиз: кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Қозоғистон ҳукуматлараро комиссиясининг фаолияти халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Музокаралар якунида Президентлар томонидан имзоланган яна бир ҳужжат - Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларация хусусида ҳам ана шундай фикрни айтиш мумкин. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, шу вақтгача ўзаро муносабатларимизга оид кўплаб ҳужжатлар имзоланган, савдо-иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилган. Бироқ, амалда уларнинг самараси кутилганидан озроқ. Бу борада Ислом Каримов бюрократик тўсиқлар, айрим мутасадди ташкилотларнинг масъулиятсизлигини тилга олди ва бундан буён ана шундай муаммоларга чек қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросимида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Ислом Каримовга Қозоғистоннинг энг олий мукофоти - «Алтын қыран» /Олтин бургут/ орденини тантанали равишда тақдим этди. Президентимиз ушбу ҳурматга икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қўшган шахсий улкан ҳиссаси, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги буюк хизматлари учун сазовор бўлди.

Ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Икки давлат раҳбарлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, халқларимизнинг азалий қардошлиги, биродарлик ва яқдилликка асосланган дўстлиги бугунга келиб, юксак даражада ривожланганини қайд этдилар. Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга расмий ташрифи ҳақида гапириб, ушбу ташрифни ҳар икки мамлакатнинг ривожланган ва мустаҳкам интеграцияга интилишининг далили ҳамда муносабатларимизни чуқурлаштиришдаги муҳим бурилиш нуқтаси, дея изоҳлади.

— Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда иқтисодий ислоҳотлар ҳам бошлаб юборилди, - деди Қозоғистон Президенти. - Бу йўлда қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келдик, аҳолининг турмуш даражаси пасайди. Лекин, ҳозир комил ишонч билан айтиш мумкинки, қийин даврлар аста-секин ортда қолаяпти, иқтисодий салоҳиятимиз ўсиб, жаҳон мамлакатлари орасидаги мавқеимиз юксалиб бормоқда. Бу борада минтақадаги тинчлик ва барқарорликнинг қанчалар катта аҳамиятга молик экани барчага маълум. Шу хусусда, бир нарсани таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан: Марказий Осиёдаги хавфсизлик кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг нуқтаи назари билан бевосита боғлиқ.

Ўз навбатида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари ҳақида гапириб, иқтисодиёт, ташқи сиёсат масалаларида муайян уйғунлик мавжудлигини, халқларимизнинг умумий жиҳатлари жуда кўп эканини таъкидлади. Шунингдек, Ислом Каримов тарихан ягона дин, битта тил, бир хил урф-одат ва анъаналарга эга бўлган ва бугунга келиб ҳам ана шу яқинлигини йўқотмаган халқларимиз икки давлат ўртасидаги муносабатларимиз равнақидан бир хилда манфаатдор эканини қайд этди.

— Ўзбекистон кўплаб давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатган, лекин биз Қозоғистонга алоҳида эътибор билан қараймиз, - деди мамлакатимиз раҳбари.

— Биз ҳамиша Қозоғистоннинг қувончига шерик, қайғусига ҳамдард бўлганмиз. Ўзбекистон эришаётган ютуқлар Қозоғистон аҳлини қувонтириши, камчиликлар эса, безовта қилишига ҳам қатъий ишонаман. Шу боис айтмоқчиманки, биз тарихан елкадош эдик, бундан буён ҳам ҳамиша ёнма-ён бўламиз. Мавжуд қийинчиликларни биргаликда бартараф қиламиз ва бундай жиҳатлар яқдил халқларимизни янада яқинлаштиради.

Матбуот анжуманида Афғонистондаги вазиятга ҳам эътибор қаратилди. Президентлар бу хусусда ягона нуқтаи назарда эканликларини билдирдилар.

— Биз толибларни курашаётган томонлардан бири, деб биламиз,- деди жумладан Ислом Каримов, бу тўғрида гапирар экан. — Масаланинг бизни қониқтирмаётган томони шундаки, «Толибон» муаммоларни қурол билан ҳал этишга интилаётир. Бу ҳол ва умуман Афғонистондаги вазият Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликни хавф остига қўймоқда. Биз бу давлатнинг ички ишларига аралашмаймиз ва у ердаги можарони музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилиш лозимлигини такрор ва такрор таъкидлаймиз.

Қозоғистонга расмий ташрифининг иккинчи кунида Президент Ислом Каримов Алматидаги Республика Майдонига ташриф буюрди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Мустақиллик монументига гул қўйди. Шундан сўнг, Ислом Каримов 28 Панфиловчи боғидаги давлат бошлиқлари хиёбонига келиб, бу ерга кўчат ўтқазди.

Шу куни Президент Ислом Каримов «Кателко» деб номланган Қозоғистон телекоммуникациялари ҳиссадорлик жамиятида бўлди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда замонавий телекоммуникация қурилмалари, электр ахборотни назорат қилиш жиҳозларини кўздан кечирди, шаффоф толали қитъалараро линиялар қурилиши ва янги лойиҳалар билан танишди.

3 июнь куни Президент Ислом Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи ўз ниҳоясига етди. Алмати аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Қозоғистонга расмий ташриф чоғида Президент Ислом Каримовга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Норов, Бош вазир ўринбосарлари К.Раҳимов, Қ.Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А.Комилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев, адлия вазири С.Мирсафоев ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Алматидан Тошкентга қайтиб келди. Аэропортда мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б.Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Алмати — Тошкент (ЎзА).

Партия ахбороти

ХАЛҚ ОРАСИДА

Яқинда тумандаги «Мустақиллик» маҳалласи идорасида ХДП янги аъзоларига партия билети топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши котиблари ва маҳалла фахрийлари, фаоллар қатнашди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда салоҳиятли, обрўли, маслакдош ва ҳамфикр инсонларни бирлаштирган сиёсий ташкилотдир, — деди партиянинг биринчи кундан аъзоси бўлмиш меҳнат фахрийси А.И.Кляшчева. — Мен янги аъзоларни табриклар эканман, маҳалладошларимга айтар гапим: уларнинг асосий вазифаси — мунтазам равишда маҳалла фуқаролари ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришдир. Токи ҳар бир фуқаро Халқ демократик партияси дастурини билсин ва қўлласин, чунки дастуримиз одил демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш тамойилларига батамом асосланган.

Йиғилиш сўнггида туман кенгаши котиби амалга оширилаётган ишлар ва режалар ҳақида гапириб, тўпланганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Шунингдек, тумандаги илғор маҳаллалардан Шароф Рашидов номли маҳалла раисининг котиби, 75 ёшли — М.Бердиев ХДП бошланғич ташкилоти котиби вазифасини ҳам муваффақиятли бажариб келмоқда. Туман ҳокимлигида ўтган туман маҳаллалари раисларининг йиғилишида ХДП туман кенгаши уни совға билан тақдирлади.

Носир МАҲМУДЖОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши котиби.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ХАЙР ҚИЛ — МОЛИНГ КЎПАЯДИ

Нукус туманидаги «Умид» хусусий корхонаси эгаси Ҳожибой Рейимбоевнинг хайрли ишлари ҳамқишлоқларининг миннатдорчилигига сабаб бўляпти. Корхона кам таъминланган оилалар, ногиронларга моддий ёрдам бериб келяпти. Абай номли мактаб ҳар йили корхона ҳисобидан таъмирланиб, юқори синфларнинг намунали ўқувчиларига стипендия тайинланган.

Хусусий корхона ҳомийлик қилаётган «Умид» футбол жамоаси ўтган йили Қорақалпоғистон кубогини қўлга киритди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.
Қорақалпоғистон Республикаси.

«НЕКСИЯ» МИНИШНИ ХОҲЛАЙМАН

Батафсилроқ ёйтадиган бўлсам, 1990 йилнинг 30 декабрида омад кулиб боқди. Собиқ Иттифоқнинг уч фоизли ички давлат заёмининг 012 сонли облигациясининг 259265 серияли заёмига 25 минг сўм ютдим. Табиийки, белгиланган тартибга мувофиқ ГАЗ-24-10 автомашина сотиб олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга киришдим. Ўзбекистон савдо министрлиги (ўша пайтда) эса 1991 йилнинг 31 декабридаги 03-1/2-2778 сонли хати билан менга «Волга» ажратиш ҳақида республика «ГАЗ» автомарказига кўрсатма берди. Буёғини айтмай қўя берай дейману, тилим қичийди-да.

Мен фақат автомашинагина эмас, поёнсиз ташвиш ҳам ютиб олганимни кейинроқ билдим. Бормаган маҳкамам, учрашмаган одамим қолмади. Ҳал бўлавермагач, мустақиллик йўлидан дадил қадам ташлаётган мамлакатимиз қад ростлагач, бу масала ҳам барибир ўз ечимини топади, деган илинж билан ҳужжатларни сақлаб қўйдим. Тўғри-да, аввалги раҳбарлар қилган хатоларни ютрбошимиз мардлик ва қатъият билан тузатишга киришди. Тузатибгина қолмай, Ўзбекистон номини оламга танитди.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асоси бўлиб келаётир. Аҳолининг омонат кассалардаги маблағларини индексация қилиниши, давлат ички заёмлари масаласи кўриб чиқилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Собиқ Иттифоқ давридаги уч фоизли давлат заёмига 10000, 25000 сўм ютуқ чиқса, «Жигули», «Волга» сотиб олиш ҳуқуқи бериларди. Ҳозиргача ўз ютуғини ололмаётганлар масаласига келсак, улар беш ёки ўнтадир.

Биламан, ГАЗ 24-10, «Жигули» автомашиналарини ажратиш имкони йўқ. Лекин уларнинг ўрнига юртимизнинг қалдирғоч автомобиллари «Нексия», «Тико»ларни ажратиш масаласи кўрилармикан деган умиддаман. Ишонаманки, албатта бу муаммо ҳам ўзимизда ҳал бўлади.

Асадулло МИРЗААКБАРОВ.
«Андижонкиновидео» вилоят акционерлик бирлашмасининг раиси, фалсафа фанлари номзоди.

БЕМАЛОЛ ЮРИБДИ

Бошимга тушган оғир мусибат туфайли сизларга мурожаат қилаяпман. Ўзим қоғоз фабрикасида ишлайман. 1995 йил 25 ноябрь куни фожиа юз бериб, турмуш ўртоғимдан ажраб қолдим. Турмуш ўртоғим Турсунов Патхулла шу куни автобус бекатида турганда катта тезликда келаётган енгил автомашина уриб, янчиб ўтиб, ўзи ҳам дарахтга урилган. Патхулла акам ўша жойнинг ўзида вафот этган. Тергов ишлари бошланди.

Мен етим қолган болалар тарбияси, ўйрўзғор ташвишлари, ишхонадаги ишлардан ортиб терговни доимо суриштиришга кучим, имкониятим етмади. Иш эса бости-бости бўлиб кетди. Эримни ўлдирган ҳайдовчи ким дерсиз? У Каримов Равшан деган киши экан. Фарзандларимни етим қилган, уларни бир умр ота меҳридан жудо қилган, қалбини яралаган бу кимсада аввало, инсонийлик, одамгарчиликдан йўқ экан.

Илгаригидек ялло қилиб юрган бу киши лоақал бир келиб кўнгил сўраб ҳам кетмади. Етимчаларнинг аҳволи қандай экан деб ўйламади ҳам. Гаплашганимда: «Мен аёл кишининг уйига бормайман», — деди. Шу гапда мантиқ борми? Ахир бошимдаги эримни ўлдирган ўзи-ку. Ҳозир оиламизни таниганлар, билганлар ўлдирган одамнинг мушугини ким ҳам пишт дерди деб гапиришаяпти. Наҳотки, шу гаплар рост бўлиб чиқса? Одам ўлдирган қотилнинг сочидан бир тола тўкилмаса?

Латипа ТУРСУНОВА,
Тошкент шаҳри, Юнусобод мавзеси, 14-даҳа, 19-уй.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукни материалларини Қурбон ЭШМАТОВ саралади.

СУРАТДА: Самарқанд туманидаги Ф. Қосимова номли жамоа хўжалиги кекса пиллакори Шарофат Бобохонова невараси Дилдора билан.

Т. НУРМУҲАММАД олган сурат.

ЎН ОЛТИ ТУРДАГИ НОН

Пойтахтнинг шифокорлар шаҳарчасида хорижий ускуналар билан жиҳозланган новвойхонанинг фойдаланишга топширилиши кўпчиликни мамнун этди. Бу ерда 16 турда бўрсилдоқ нонлар тайёрланмоқда. Куни кеча эса «Шифокор» деҳқон бозори иш бошлади. Уни «Авесто» бунёдкорлари барпо этдилар. Энди аҳоли ошхона, сартарошхона, суратхона, сомсахона, соатсозлик, пойабзал таъмирлаш ва ветеринария хизмати каби қулайликлардан ҳам фойдаланмоқда.

Икром ҚОБИЛОВ.

Муносабат

ТАРБИЯГА МУХТОЖ БОЛАЛАР

Марғилон шаҳридаги 18-ўрта мактабда ака-ука Улуғбек ва Аваз Мўминовлар ўқишади. Ҳар иккови ҳам ўйинқароқ, ўқишдан ташқари вақтларда, баъзан эса ўқиш даврида ҳам кўча-кўйларда беҳуда тентирашади. Ака-укалар бир куни шу мактабнинг 8-синф ўқувчиси Д. Қодиров билан учрашиб қолишди.

— Ошна, каттагина пул ишлаб олишни хоҳлайсанми?

— Пулку керага, бироқ...

— Қўрқма, бунинг йўли бор.

Шу йил 9 апрель куни шаҳардаги Отажонов кўчаси, 1-в уйда яшовчи Б. Турсунованинг уйига болалар ўғринча киришди. Уйдаги телевизор ва бошқа буюмларни ўғрилаб, олиб чиқиб кетишди.

Минг афсуски, шаҳарда катта ёшдаги болаларнинг ўғрилик қилиш ҳоллари якка-ю-ягона эмас. 15-16 ёшли болаларнинг ўзаро тил бириктириб, жиноий гуруҳ тузиб, ўғриликлар содир қилиш фактлари бор. Масалан, 25-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси В. Нурматов, 22-махсус мактабнинг 8-а синф ўқувчиси К. Валиев ва Янги Марғилон шаҳарчасида яшовчи мактаб ёшидаги В. Қосимовлар гуруҳ бўлиб олиб, қатор ўғрилик жиноятларини содир қилишган. Худди шу мактабнинг 9-синф ўқувчилари Т. Чиддиев ва С. Бирюковлар ҳам ўғриликка қўл уришди.

Бундай нохуш ҳолларнинг боиси нимада? Мактаб ёшидаги ўқувчилар қандай қилиб жиноятга қўл урадилар?

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида турли қийинчиликларни рўкач қилиб ёш авлод тарбиясига юзаки қараб келинаётган жойлар ҳам йўқ эмас. Ўқиш ўрнига бозорларда сомсафурушлик, шарбатфурушлик ва ҳоказо «фурушликлар» билан шуғулланиб юрган болалар жуда кўпайиб кетди. Ота-она эса унинг келажагини ақлли, билимдон, баркамол инсон бўлиб етишишини ўйлашдан кўра вояга етмаган ўсмир кўчадан топиб келган уч-тўрт юз сўмга қараб кўзи қувонади, эртани ўйламайди. Ҳатто айримлар бола қўлида бу пулнинг қандай пайдо бўлиб қолгани билан қизиқмайди ҳам.

Хўш, болалар тарбияси билан банд бўлган ўқув юртлари, жамоатчи ташкилотлари-чи? Бу соҳадаги қоғозларга қарасангиз қилинган иш жуда кўпга ўхшайди. Масалан, Марғилон шаҳар ҳудудида қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик, тартиббузарлик ҳолларининг олдини олиш, унга қарши курашни кучайтириш юзасидан шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва кенг жамоатчиликнинг ишлаб чиқилган дастури мавжуд. Шу дастурнинг 3 бўлимида вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳоллари олдини олиш борасида тадбирлар белгиланган. Бу тадбирларнинг барчасида халқ таълими бўлими мутахассисларининг иштирок этиши кўрсатилган. Бироқ бу тадбирлар ҳақиқатда амалга деярлик оширилмаган. Масалан, шаҳар ҳудудидаги ўқимай, ишламай юрган ёшларни аниқлаб, уларни ўқишга ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш масалалари вояга етмаган ёшлар иши билан шуғулланувчи комиссия томонидан ўрганилмаяпти.

Шаҳар ички ишлар бўлимидаги вояга етмаганларни назорат қилиш инспекциясининг бу борада олиб бораётган ишларини ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Масалан, 1996 йилнинг уч ойида 339 нафар вояга етмаганлар тартиббузарлик содир этганлиги учун ички ишлар бўлимига келтирилган бўлсада, уларга нисбатан маълумотлар вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга юборилмаган. Натижада ўсмирлар ўртасида тартиббузарлик ва ҳатто жиноят қилиш ҳоллари юз бермоқда. Ҳеч қаерда ўқимай, ишламай юрган Марғилон шаҳар Оролбўйи кўчасида яшовчи 1982 йилда туғилган М. Пўлатов ўтган йил декабрь ойида қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Қора курсидаги болалар... Уларнинг ҳар бири ҳар биримизнинг қалбимиздаги доғдир. Бу болалар жамоатчилик, таълим тарбия масканлари, ота-оналар ва умуман вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи бошқа ўнлаб ташкилотлар ишида ҳали катта нуқсон ва камчиликлар борлигидан далолат беради.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жаноза ўқиш, таъзия маъракаларини ўтказиш масалаларига биз ҳозиргача ҳам большевиклар кўзи билан қараб юрибмиз. Минг афсуски, бу шўроча қарашлардан ҳалибери қутулганимизча йўқ. Биз инсонни охирги йўлга кузатаётганда тўн ёки дўппи кийишни қанақадир ўзимизга ор деб биламиз. Бу мутлақо нотўғри! Барча удумларимизга амал қилиш керак. Ҳозир амал қилмасак, қачон амал қиламиз?!

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекнома

ДЎППИ

1. ЭНГ МИЛЛИЙ БЕЛГИ

Ўзбек ўзлигини қўлга киритганидан кейин дунёнинг бизга қизиқиши чандон ортди. Биласиз, ажнабийлар жуда синчков келади. Биринчи сафаридаёқ юртимиз ва халқимизнинг бутун кечмиши, ўзига хосликлари ҳақида ҳамма нарсани тез билиб олишга тутинади. Излагани — қомус, маълумотнома, альбом, луғат... Шунда уларнинг қўлига яқинда чоп этилган ёш давлатимиз, унинг кечаси ва бугуни ҳақида яхлит тасаввур туғдирадиган ҳозирча ягона китоб — «Ўзбекистон Республикаси» энциклопедияси тушиб қолса, хорижликлар келган биринчи фикр нима бўлади — биласизми?

Улар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ислом шоир Назар ўғли, Абдулла Опиров, Шоберди бахши Болтаев каби соҳиби суханлар, Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов, Юнус Ражабий, Маъмуржон Узоқов, Карим Зокиров, Раҳим Пирмуҳамедов, Комилжон Отаниёзов, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Тўхтасин Жалиловдек халқ қалбидан муносиб жой олган устоз санъаткорлар, Тошпўлат Арслонқулов, Абдулла Болтаев, Маҳмуд Усмонов, Сулаймон Хўжаев, Қодиржон Ҳайдаров, Муҳиддин Раҳимовга ўхшаш таниқли ҳунар эгалари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Бўрон Рўзиев, Комилжон Мамажоновни дўппи кийиб тушган суратларида кўриб: «Дўппи ўзбекнинг ўзлигини англатиб турадиган энг миллий белги!» — деган хулосага келади. «Фахрийлар даврасида», «Қишлоқ оқсоқоллари», «Кўпкари (улоқ)», «Ўзбек қизлари» ва бошқа кўп жамоа бўлиб тушилган суратлардаги дўппи кийган миллатдошларимизни кўриб, бу фикрига тасдиқлар топади.

2. ОЛИЙ САНЪАТ

Дунёда нафосат, таъб, гўзаллик, дид, назокат деган тушунчалар бор. Ўзбекнинг дўпписида шуларнинг бари ҳадди аълосида мужассам. Олам тўрт унсур — ҳаво, сув, тупроқ ва оловдан таркиб топган.

Ер юзида тўрт тараф бор — шимол, жануб, шарқ ва ғарб.

Йил тўрт фасл — баҳор, ёз, куз ва қишдан иборат.

Шунга кўра донишмандлар киши умрини ҳам тўрт қисмга бўладилар.

Ўзбекнинг аксар дўппилари ҳам тўрт ёнли.

Дўппининг ёнлари «кизак» дейилади. «Киз», «кийз», «кийиз», «кигиз» аслан «намат»ни билдиради. «Кизак» — кигизча дегани. Ана шу кизакнинг тўрт қисмида тўрттадан ярим айлана гул тикилади. Мутахассислар буни қуёш рамзи деб баҳолайдилар. Дўппининг уст қисми «тепа» дейилади. Тепанинг тўрт ёнида тўртта қалампир гул солинади. Кизакнинг пастидан жияк тўтади.

Тошкент ва Жиззахда «дўппи»ни «тўппи» дейишади. Бу ҳам бежиз эмас. Келиб чиқиши жиҳатидан «дўппи» билан «копток» маъносидаги «тўп» ўртадо боғлиқлик бор. Чунки иккаласида ҳам думалоқликка алоқадорлик мавжуд. «Тўп»ни Бухорода «тўппи» дейдилар. «Тўппайиб (баъзи шеваларда «дўппайиб») турмоқ» бирикмаси ҳам шунга вобаста. Тожик тилида «дўппи»ни «тоқи» ҳам дейдилар. Бу ҳам думалоқликка ишора. Чунки гумбаз шаклидаги иморатлар ҳам «тоқ» дейилади. Масалан, Бухородаги «Тоқи Заргарон», «Тоқи Саррофон», «Тоқи Телпакфурушон» каби.

Миллат шунчалар санъаткорки, ҳар бир шаҳар ё воҳа ўзига хос нозик дўппидўзликка эга. Дўпписига қараб, одамларнинг қаерлик эканини билиб олаверасиз. Чуст, Марғилон, Андижон, Ўш, Шаҳрисабз, Бухоро, Бойсун дўппилари машҳур. Турларини санаб, адоғига етолмайсиз: «Ироқи чоргул», «Ироқи қурбақа нусха», «Ироқи санама», «Тагдўзи», «Йўрмадўзи», «Заминдўзи», «Зардўзи», «Тустепа», «Бахмали», «Мунчоқ гулли», «Оқпар нусха», «Тож нусха», «Қаҳрамон нусха», «Пахта гулли нусха», «Хуршид нусха», «Кандакори нусха»...

Аксар дўппилар шунчалар қулай бош кийимики, уни хоҳлаган маҳалда ечиб, тўрт карж қилиб буклаб, чўнтак ё сумкага солиб кетаверасиз. Хусусан, кутилмаганда ёмғир ёғиб қолса, дўппи чўнтакка тушади. Ўзини англаган кўп миллатдошларимиз имкон қадар ёнларида ё машиналарида дўппи олиб юришни хуш кўрадилар. Айрим профессорларимиз дарсларини сумкадан дўппи чиқариб, кийиб олишдан бошлайдилар.

Аммо...

3. ХАЙРИЯТ, КИССА БОР

Шаҳрисабзлик бағоят соддадил бир оғайним бор.

— Тошкентга келсам, дўппимни буклаб, киссамга солиб оламан, — дейди.

— Во ажабо! Нега?

— Дўппи билан юрсангиз, чўнтакка қўл солади-да шайтонбаччалар.

Ана, холос! Дўппи кийиш ҳам осон эмас экан... Бир дўппининг бошида шунча машмаша-я.

Шоир — шоир-да. Фикри — мисоли учқур от. Элдан бир қадам олдин юрмаса, шоир шоир бўлибдими? Муҳаммад Юсуф дўппи ҳақидаги шеърини бекорга ёзмаган экан:

Дўппи киймай қўйди одамлар...

Шўролар замонида ёзилган бу шеър:

Бошга лойиқ дўппи йўқдир ё
Бош қолмади дўппига лойиқ!

—дея тугалланади. Дўппи бу шеърда — бир тимсол. Шу баҳона шоир зимдан бизда миллий туйғулар йўқолиб бораётгани, бу кетишда миллат миллатлигидан маҳрум бўлиб қолажагидан қайғуга тушаётганини билдирган эди.

Тўғри, шўролар замонида ҳам дўпписини ташламаган ўзбек кам эмас эди. Бир манзарани тасаввурга келтирайлик. Кремлдаги мажлисларда ўзбек билан тожикнинг кўпи ола дўпписини ечмай ўтирар эди. «Время»да операторлар атайлаб уларни кўпроқ кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Шу билан гўё: «Мана, бизда миллий хусусиятлар йўқолиб кетмаган», — демоқчи бўлишарди.

Бугун шуни ўйлаб, яна дўппига раҳмингиз келади: у қуруқ сиёсатнинг қули бўлиб қолган экан-да.

4. АМИР ТЕМУР ДЎППИСИ

Тарихнинг далолат беришича, дўппи қадим замонларда туркий ва форсий халқларда пайдо бўлган. Ҳатто, Амир Темур замонасидан бир асрча олдин чингизий хонлар мағлуб бўлган рус князларига, ёрлиқ топшириш билан бирга, ана шу тобелик ифодаси сифатида дўппи кийдирганлар.

Гап ҳозир Амир Темурнинг қанақа дўппи кийгани хусусида эмас. Улуғ бобомиз юртимизнинг ҳамма жиҳатдан дунёнинг олди мамлакати бўлишини истаган ва шу ниятига етган ҳам.

Ривоят қилишларича, Соҳибқирон Шаҳрисабзга, кўп ҳунармандлар қатори, Ироқдан машҳур дўппидўзларни ҳам олиб келган. Шунинг учун ҳам ҳозирги ироқи дўппиларнинг асл ватани — Шаҳрисабз ва Китоб. Улар бошқа шаҳару қишлоқларимизга шу камондан ўтган.

Дўппини «қалпоқ», «тоқи», «каллапўш» дейдиган шеваларимиз ҳам бор. Шунга асосланиб, Алишер Навоий ғазалидан олинган мана бу байтда ҳам дўппи кўзда тутилган, дея оламиз:

Шоҳу тожу хилъатиким, мен тамошо қилғали,
Ўзбагим бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас.

Шоир лирик қаҳрамони маъшуқасини «ёрим» маъносида «ўзбагим» дейди ва, қизиқки, аввал унинг бошидаги дўпписи — қалпоғини эсга олади. Ўша пайтларда ҳам ўзбек уруғлари дўпписи билан машҳур эканлигини шундан ҳам билса бўлади. Шу ўринда: «Дўст — бошга қарайди, душман — оёққа», — деган мақол ҳам эсга тушади.

5. КЕЛИНЛИК РАМЗИ

Дўппининг оёқ остида ётганини кўрганмисиз? Кимки дўпписини оёқ остига ташлаб қўйган бўлса, у ўзбек эмас. Чунки халқимизда дўппи билан боғлиқ шундай удумлар борки...

Вазият тақозо қилиб, тўй кечаси куёвни қизникига олиб боришнинг имкони топилмаса, дўпписини қўйиб ҳам никоҳ ўқилган. Бошқа кийимларни алмаштириб кияверишмумкин. Лекин дўппи алмаштирилмайди.

Бухоро тарафларда келин тушган, яъни чимилдиқ урилган уйнинг тўрида — токчанинг икки устунидаги икки михда оппоқ доқага чиройли қилиб, дид билан бежиримгина ўраб қўйилган икки дўппига кўзингиз тушгандир? Буларнинг бири — куёвники, иккинчиси — келинники. Келин то биринчи фарзанди туғилгунига қадар ана шу келинлик дўпписини кийиб юриши мумкин. Зар дўппи, асосан, келинлик дўпписи ҳисобланади.

Ота-она йиллар йиққанини сарфлаб, ўғил уйлантиради. Тўй ўтди, ташвишлар ҳам ортда қолди, дейлик. Ота саҳармардона бомдодга туриб, ҳовлига чиқса, атлас кўйлак-лозимаси ўзига ярашиб тушган, бошига зардўзи дўппи, оёғига зар шиппак кийган, сочлари узун суқсурдай келинчак ҳовли супурятти...

Бу — ўзбекона ҳаётнинг ўта ширин бир парчаси!

Бундай миллий манзара жозибасини дунёнинг бошқа қаеридан топасиз?!

— Отангизга раҳмат қизим. Баракалла!

Келинчак учун қайнотанинг бу дуосидан ортиқ дуо борми?!

Ана шу икки-уч оғиз калима заминида рози-ризолик ҳам, шукроналик ҳам, борингки, шу миллатга мансубликдан фахрғурур ҳам яширин. Ахир, келинчак шунчаки ҳовли супураётгани йўқ, ҳовли бундан бурун ҳам супурилмай қолган эмас эди. Лекин...

Марҳум Тилак Жўра бир шеърида ёзганидек, келинчак чолу-кампирнинг армонини супурятти:

Супуради келинчак
Бир ҳовлининг хазонин.
Хазонма, бир умрлик
Чолу кампир армонин...

Бешик тўйида келинга саллабандон қилинади. Унинг бошига орасидан соч ўтказиладиган махсус юмшоқ бош кийими — шаклан чўмичга ўхшаб кетадиган калтапўшак (асли «калтапўшак» бўлиши керак) кийдирилиб, устидан салла ўралади. Бу энди келиннинг она бўлганлиги белгиси.

Афсуски, ҳозир хотин-қизлар дўппилари кўпинча саҳналарда — безак учунгина кийиладиган бўлиб қоляпти.

Аксинча, эркаклар дўппилари ҳамон бошда. Баъзан ўйлаб қоламанки, тарихда ҳеч қачон бизда ҳозиргичалик кўп дўппи тикилмаган бўлса керак. Чунки ҳеч қачон ўзбекнинг нуфуси бунчалар бўлмаган-да!

Шундай маҳалларда бу соҳанинг чинакамига жаҳонга кўз-кўз қиладиган миллий ҳунармандчилик турига айланиб боришини, юртимизга келган ҳар бир сайёҳ биздан дўппи сотиб олишини орзу қиласан экан. Ахир, бир пайтлар шаҳарлардагина эмас, қишлоқларда ҳам дўппидўзлик авж олган. Масалан, Бухоронинг Вобкент туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида «Тоқидўз» деган қишлоқ борки, унинг номи бевосита «дўппидўз» деган маънони беради.

Ҳозир дўппидўзлик равнақи учун кенг йўл очилди. Ҳукумат қарори билан дўппидўзлардан, бошқа миллий ҳунармандлар қатори, беш йилгача солиқ олинмайдиган бўлди.

6 НЕГА ДЎППИ КИЙИЛАДИ?

Тўй-маъракаларда, сайилларда, футбол томошаларида минг-минг ола дўппини кўриб, ичдан ғурурланасан ҳам, «Бу ажиб мўъжизани ким ўйлаб топди экан?» — деб ҳам ўйлайсан киши.

Иссиқ иқлимли юртларда бош яланг юриш — соғлиқ учун кони зиён. Хусусан, аксар қора соч халқ учун бунинг зарари бисёр. Чунки қора соч иссиқни кўп ўтказади, бош қайнаб кетади. Оқибатда одам тана ҳароратини мўътадиллаштириш учун ортиқча энергия сарфлашга мажбур бўлади. Эътибор берсангиз, донишманд кексаларимиз қишдагина эмас, ҳатто, ёз чилласида ҳам бошларини бойлаб ё махсус каллапўш кийиб ётадилар. Тиббиёт бунинг ҳам фойдаси катта эканини инкор этмайди. Ёз кунлари сочни олдириб, дўппи кийиб юришнинг бағоят фойдали эканини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Негаки ота-бобо азалдан шуни одат қилганми, бу ерда бир гап бор.

7. ЎЗБЕКНИ БИЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Хорижликларнинг суратларимизга ўчлигини айтдик. Ҳозир тилимизни ўрганаётган ажнабий ҳам оз эмас. Бу бизни қувонтиради. Ахир, чет элликларнинг тилимизга қизиққани — бизни тан олгани. Улар ўзбекчани ўрганишни дўппидан бошлагани ҳам маъқул. Чунки...

Ғафур Ғулом бир жойда «дўппипайтақи» деган ажойиб халқона ифода ишлатиб кетади. Китобхон бу сўзнинг «бегам», «парвойи фалак» деган маъноларни беришини билмаса, муаллифнинг мақсадини англамай гаранг-да. «Бош омон бўлса, дўппи топилар», «Дўппи тагида одам бор», — деган мақоллар, «дўпписи яримта», «дўпписини осмонга отмоқ», «дўпписини ол, деса, калласини олмоқ», «дўппини ерга қўйиб ўйламоқ» каби ибораларимиз бу бош кийимимиз бир миллий тимсол сифатида онг-шууримизга қанчалар сингиб кетганини кўрсатади.

8. БОШ — АЗИЗ

Бош — жуда азиз. Бош кийими ҳам. Биз учун бош кийимининг энг мўътабари — дўппи. Шундай ёпинчиқни яратиш учун халқ минг-минг йиллар изланган. Дўппи тикишни ҳозирги гўзал санъат даражасига етказиш учун ҳам яна шунча асрлар ўтгандир. Бу ҳунаримизга бори олам тан бермай иложи йўқ.

Дўппи тиккан қўллар дард кўрмасин!

Бежиз эмаски, бугун Ўзбекистон Президенти бизга дўст қўлини чўзиб келаётган улуғ меҳмонлар — давлат раҳбарлари бошига дўппи кўндириб, эгнига тўн кийдириб, белини қийиқ билан боғлаяпти. Бу — ўзбекона ҳурматимиз рамзи.

9. ДЎППИ — ДАВЛАТ

Халқимиз дўппини давлат деб билади. Уни йўқотиш — давлатни бой бериш деган гап.

Бу — бир кишининг дўппи йўқотиши.

Бугун дўппи — бутун бир халқнинг давлати! Давлатни бой бермаслик эса ҳаммамизнинг бурчимиз.

Бугун дўппи—чинакамига давлатимиз миллий рамзларидан бири. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов ўтган йилнинг ноябрида халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида кутилмаганда ҳамманинг эътиборини дўппига қаратдилар. Намангандаки Чуст дўппининг қадри тушса, биз қандоқ ўзбек бўлдик?! Чамандай очилиб, қуёшдай порлаб турадиган жонон дўппиларимиз турганда айримларнинг, асосан, ётиш маҳали кийиладиган оқ якпар каллапўшларга ружу қўйгани нимаси?! Шу йилнинг 9 май куни юртбошимиз уруш қатнашчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳузуридаги суҳбатлари чоғида ҳам миллий урф-одатларимизни эслаб, дўппи кийишимиз лозимлиги ҳақида гапирдилар.

Чиндан ҳам, таъзия-маъракаларга дўпписиз бориш жуда нокулай. Бу — миллий одат. Дўппи бу ерда рамзан бандаликни бошга олиш маъносини ҳам билдириб келади.

Маданият қанчалар умуминсоний бўлмасин, ҳар бир миллий давлатнинг ўз қиёфаси мавжуд. Халқ ҳар қанча жаҳон тамаддунидан ўрганмасин, аввало, ўз фазилатларини йўқотмаслиги: уни асраб-авайлаши, келажак авлодларга тарҳини бузмай етказиши шарт. Чунки якранг гуллардан ҳеч қачон яхши гулдаста тузаб бўлмайди. Жаҳон халқлари — ажиб бир гулдаста. Бу гулдаста аро бизнинг ҳам муносиб ўрнимиз бор.

Шунинг учун ҳам ўта миллий лаҳзаларда дўппига айрича эҳтиром билан қараймиз. Суннат қилинаётган болакайлар, келин-куёвларга дўппи кийдириш шунчаки ҳодиса, дейсизми? Хусусан, таъзия-маъракалар, миллий ва диний байрамларимизни дўпписиз ўтказмаслик билан халқ халқлигини қилади.

Демак, дўппи биз учун оддий ёпинчиқ эмас, У орқали қалбларимизга қанчалар миллий руҳ сингаётганини бирор мезон билан ўлчаш ёхуд сўз билан ифодалашнинг сира иложи йўқ.

Султонмурод ОЛИМ.

☑ *Франция социалистлар партияси раҳбари Лионель Жоспен мамлакат янги ҳукуматини бошқарадиган бўлди. Парламент сайловларида сўл кучлар блокининг ғалабасидан кейин Франция Президенти Жак Ширак Жоспенни Елисей саройига чақириб, унга Бош вазир лавозимини таклиф этди.*

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

* * *

☑ *Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе миллий радио орқали сўзга чиқиб, Абхазия муаммосини ҳал қилишнинг энг тўғри йўли МДҲ раҳбарларининг март ойидаги қарорини Россия томони бажарсагина бу нарсага эришиш мумкин деди. Унинг фикрига қараганда, мазкур қарорни бажармаслик МДҲ обрўйига путур етказиши ва можаро ни ҳал этишда ташкилот таъсирини туширириб юбориши мумкин. Абхазия можаро зонасидан Россия тинчликни сақловчи кучларини олиб чиқиш имконияти борлигини ҳисобга олиб, Грузия Президенти Абхазия томонига ўт очишни тўхтатиш тартибини сақлаб қолиш бўйича музокаралар бошлашни таклиф этди.*

БОЛАЛИГИМ ЎТГАН СОЙ

Бугун — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ҚЎМСАШ

Тонг шамоли боғма — боғ кезиб, чаманлардан муаттар гуллар ифорини таратади. Дилда она-заминга меҳр, яшашга завқ туйғулари жўш уради. Ўй суриб, болалигим ўтган Оқтовуқсой бўйларини айланишни ният қиламан. Тошкент осмони узра шимол тарафга галагала учиб ўтган қушларни кузатдиму, Бешариққа жўнаб кетдим.

«»Оқтовуқсой... Унинг соҳилида яна жийдалар гуллабди. Гулининг ёқимли ҳиди тонг палласида сиртига шабнам қўйган ялпиз, ёвшан ва бошқа ўт-ўланлар исига қўшилиб димоқни қитиқлайди, кунгилга ҳузур бағишлайди. Тик қирғоқдан пастда, тошдан-тошга урилиб, пишқирган сой ўт-ўланларни ювганча, олисларга — Оқтовуқ қишлоғи томон шошади. Сой бўйида қоп ва уроқ тутган, ўт ўриш учун келган болалар фотоаппаратимни кўриб, яқин келишади. Танишдик...

Қадимда шолипоя, кейинчалик болалар молларни боқадиган яйловга айланган сайҳонлик томон кетмоқдамиз. Болаларнинг бири қўйиб, иккинчиси қуроқлар япроғига қунган нинначиларни тутиб олишар, сувга тош отиб ёввойи беда орасидаги қурбақани чўчитиб, сойга сакрашга мажбур қиларди. Ҳиёл ўтмай улардан бири сувилонни тутиб олди. Илон сув ўтлари орасида балиқчани белидан тишлаб олибди. Табиат жонзотлари ўртасида яшаш учун кураш борарди. Мен болаларга илонни қочирвормай, эҳтиёткорлик билан ажриқ устига қўйишни сурадим. Сувилонни суратга олгач (бу орада балиқча тўлқинлар қаърига кириб, ғойиб бўлди) қўйиб юбордик.

МАВЖЛАРИ ҚАНИ?..

...Бу болалар Оқтовуқсойнинг бундан ўн беш-йигирма йиллар олдин мавж уриб, қирғоғига сиғмай оққанини кўз олдига келтиролмайди. Сунбула кириб, ҳавода мезонлар учган кезларда сой суви тиниган камарларда ғужғон уйнаган кумуш балиқларни энди кўришолмайди.

Оқсоқоллардан сурасангиз, Бешариқнинг бешта ариғини номма-ном санаб беришади.

Ҳамма ариқлар аввал бошдан Ровот даштликларидан бошланиб, Бешариқ қишлоқларига кириб келган. Шунинг учун ҳам бу ариқлар қишлоқ номлари билан аталган: Чимбойариқ, Оқтовуқсой, Жанжалсой, Деҳқонтудасой, Шўрқишлоқсой (Қумариқ). Катта Фарғона канали қурилгач, ариқларнинг барчаси ундан сув ола бошлаган.

Боғ-роғлар, шаҳар-қишлоқлар фақат инсон меҳнати билан обод, қуркам. Қаровсиз қолса харобазор, ташландиқ бир аҳволга тушиб қолади. Собиқ иттифоқнинг маъмурий-буйруқбозлик иш услуби энг учига чиққан етмишинчи йиллар ўртасида катта-катта майдонлардаги шамол эррозиясига ғов қилиб ўстирилган ўрмон полосалари қирқилиб, қўқдаков қилинган ерлар пахта майдонларига қўшиб юборилди.

Қўқон шамоли номи билан аталувчи, кучли шамоллар экин майдонларига катта зарар келтиришини унутган ўша кездаги Бешариқ тумани раҳбарларининг шиори 100 минг тонна пахта етиштириш эди. Албатта, янги очилган қўшимча ерларни суғориш учун Бешариқнинг сувга сероб жаннат ариқлари бераётган обиҳаёт камлик қила бошлади. Туманнинг шимолий ҳудудидан оқиб ўтувчи, Сирдарёдан Бешариққа — 156 метр баландликкка сув чиқарилди. Одамлар ариқ қазиб, сув келтирса, катта байрам қиладилар. Насос даре сувини Бешариққа чиқариб берган кун ҳам карнай-сурнай билан нишонланди. Насослар ишга тушиши билан Бешариқнинг қадимий ариғи — Оқтовуқсойнинг ўзани йўқолаёзди. Зотан, Катта Фарғона каналининг сув тақсимлагич дарвозалари тақа-тақ беркитиб қўйилди. Шундан бери у қаровсиз, шаҳарга яқин ерлардаги қирғоқлари ахлатхонага айланган... Унинг узанида зах ва ташлама сувлар оқади. Аммо у ҳали ҳам «тирик»! Яшаш учун курашиб, сайҳонликдаги ёввойи жийда, буталар, ўт-ўланлару мевали дарахтларга ҳаёт бахш этиб, Оқтовуқ қишлоғи сари оқиб ётибди.

Ҳозир сой бўйлари бум-бўш. Сой қирғоқлари торайган. Қадимги сувайиргич, дамба, шовва ва шаршаралар аллақачон бузилиб кетган. Қишлоқ хонадонларидан чиққан оқава сувлар сойга қўшилиб оқади. Ёшлигимизда сойнинг тезоқар ерида ушлаган тош босар балиқлари қани? Ҳовучимизни тўлдириб ичадиган тоза, тиниқ сувичи?

Бахмалшўра, қирқбўғин, янтоқ каби ўсимликлари, тулки, қуён, типратиконлари, булбул, қорабовур, бедана, бойўғли, какку, куккаптар, куктароқлар қайда?

Ўтлоқларда ажриқ қўрпа бўлиб ўсиб ётарди. Биз молларни ўтлатиб қўйиб, балиқ овлаганимиз — овлаган эди. Сой бизнинг табиат мактабимиз бўлган. Сувга калла уриб, чумилачумила, қайноқ тупроққа қўкрагимизни бериб ётганимиз сира ёддан чиқмайди.

СУВ — РИЗҚИМИЗ БОШИ

Маҳаллада тоза сувга билмай кесак оттанни ҳам гуноҳкор саналарди. Сув ризқимиз боши, ҳаёт манбаидир. Шукроналар бўлсинки, Мустақиллик шарофати туфайли туман худудига қарашли чекка қишлоқ бўлсада, тоза ичимлик суви билан таъминланган. Ҳозир сой-ариқ сувларини ичишга эҳтиёж йўқ. Аммо сою-анҳорларимиздан боғу-роғлар, экинзор далаларимизга оқувчи сув ҳам ҳалол, тоза бўлиши керак.

Аввалларидек, шамол кучли эсувчи Бешариқ тумани ҳудудидаги катта-катта экин майдонлари чети, ариқ ва сой ёқаларида бўлган ўрмон полосаларини, назаримизда, қайтадан тиклаш керак. Бундай ўрмонлар терак, тол ва мевали дарахтлардан бунёд этилса, 5-10 йил ичида уй-жой қуриш учун ёғоч, тахта каби қурилиш хом-ашёси юзага келади, мевали дарахтлар ҳосилга киради...

***

Қуёш дала четидаги қишлоқ тераклари ортига беркинди. Ҳавода шабнамга чўмилган ялпиз, янтоқ, юлғун, шўра, яна аллақайси ўт-ўланлар ҳиди анқий бошлади. Сайҳонликка тун чўккач, орқага қайта туриб осмонга қарайман: сомон йўли мағрибдан машриққа тортилган кумуш камарга ўхшайди. Юлдузларнинг сеҳрли кўз қисишлари, сой сувининг шилдираши маҳобатли само ва ҳаёт мангулигидан эртак сўйлаётгандай...

Қани энди, Оқтовуқсой гўзаллигини ўз ҳолига қайтара олсак эди. Қани эди...

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Муаллиф олган суратлавҳалар.

☑ *АҚШ Федератив Разведка бюроси ФБР мамлакатда 1996 йил давомидаги жиноятчилик аҳволи ҳақидаги маълумотларни эълон қилди, деб ёзади «Рейтер» агентлиги. Агентлик шуни таъкидлайдики, кетма-кет беш йилдан бери АҚШда қотиллик ва оғир жиноятлар сони камайиб бориш анъанаси давом этаётир. 1995 йилга*

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

нисбатан қотилликлар сони 11 фоизга қисқарган. Бундай кескин пасайиш 1961 йилдан бери кузатилмаган эди. АҚШнинг Вашингтондан ташқари барча йирик шаҳарларида қотилликлар сони сезиларли даражада камайган. АҚШ Президенти Билл Клинтон махсус баёнот билан чиқиб, жиноятчиликнинг камайишига маъмурият томонидан қабул қилинган режаларнинг аниқ бажарилаётганлиги сабаб бўлаяпти деди. Ушбу режага биноан полициячилар сони кўпайтирилиб, жазолар кучайтирилган. Бундан ташқари ўқ отиш қуроллари савдосида тартиб ўрнатилганлиги ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда қўл келди.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 5-iyun, payshanba № 65 (22.149).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ВАТАН, ГУЛИНГ БЎЛАЙ ҚУЧОҚЛАРИНГДА!

Шеър ва шуур

Меҳрингга кун сайин қониб борарман,
Ватан, гулинг бўлай қучоқларингда,
Сеҳрингдан юрагим ёниб борарман,
Ватан, гулхан бўлай ўчоқларингда.

Изин суртай кўзларимга мардингни,
Бергил бир жонимга қирқта дардингни,
Ёвга раво кўрсам зарра гардингни,
Тилка-тилка бўлай пичоқларингда.

Хосиятинг бўлай, сўзинг бўлайин,
Насибаси қўшиқ қизинг бўлайин,
Кўклардан тикилган кўзинг бўлайин,
Ёқутдай товланай мунчоқларингда.

Саратон қуйдирса соя бўлайин,
Мардларинг суянса қоя бўлайин,
Эрк деган ўғлингга доя бўлайин,
Бахт бўлиб туғилай тўлғоқларингда.

Нур бўлиб кезайин кундузларингда,
Сув бўлиб сизайин илдизларингда.
Маржонлар тизай деб юлдузларингдан,
Қирқта жоним учсин учоқларингда.

Ватан, гулинг бўлай қучоқларингда,
Ватан, гулхан бўлай ўчоқларингда.

* * *

1

«ШАРҚ ГАВҲАРИ» – ЖАҲОН КЕЗАР

Маълумки, шу йилнинг 6-12 июнь кунлари ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Бухоро ва Хева шаҳарларининг XXV асрлиқ тантаналари бўлиб ўтади. Кўҳна шаҳарлар тарихидан сўзловчи кўргазма ҳам байрам тадбирларидан жой олган. Шу муносабат билан мухбиримиз Бухоро меъморчилик — бадиий музей қўриқхонаси археология сектори мудири Юлдуз Ҳамроевага бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Францияда намойиш этиладиган кўргазма учун музейдаги фонддан қанча экспонат танлаб олинди?

— Кўргазма учун музейимизда сақланаётган 70 дан зиёд экспонат танлаб олинди. Бу ишда республика Маданият ишлари вазирлиги мутахассислари, таниқли олимлар бизга кўмак бердилар.

— Нима учун айнан шунча танлаб олинди?

— Парижга жўнатилган экспонатлар биргина бизнинг музей қўриқхонамиздан эмас, балки Ўзбекистон Давлат миллий тарихи ва санъат музейларидан ҳам айнан Бухорога дахлдори олиндики, улар жуда ноёб. Эрамиздан олдинги III-II асргача мансуб Бақтрия тангаларини олайлик. Бу танга хазина 1983 йилда шаҳар атрофидаги Ташмач тепалигини қазиш чоғида топилди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, бу ноёб топилма-тангалар эрамиздан аввалги 302—250-йилларда селевкийлар ҳукмронлигида зарб этилган. Бу тангалар ҳар йили жаҳоннинг турли мамлакатларида ташкил этилаётган кўргазмаларда намойиш этилмоқда.

Бундан ташқари 1969 йилда таниқли археолог олим Олег Обельченко томонидан Шарқий Бухоро воҳасига қарашли бўлган Лавонбиқ қабристонидан топилган III-II асрга тааллуқли қимматли металлдан ишланган аёл киши боши тасвирланган «Митра» жаҳон олимларининг Бухорои шарифга эътиборини яна бир карра тортиши аниқ. Эрамиздан аввалги IV асрга мансуб сополдан ясалган қадаҳлар, Пайкент шаҳридан топилган сополдан ясалган от ўйинчоқнинг қолипи, Темурийлар даврига оид сирланган сопол лаганлар, чироқлар юборилди. Бундан ташқари кўргазмадан Бухоро зардўзлик, каштачилик, кандакорлик буюмлари борки, улар ҳам юқори баҳоланади.

— Октябрь ойида юбилей тантаналари Бухорода ўтади. Музей залларида эса Бухоронинг сўнгги амири тожи кўринмайди. Нега?

— Бир неча йилдирки, Амир Олимхоннинг тожи Тошкентда сақланяпти. Унинг қимматбаҳолигини айтмасам ҳам бўлади. Амирнинг камарбанди, маликалар тақадиган кўкрак безаклари ҳам Тошкентдаги қўриқхонада сақланяпти.

«Ўзбекистон овози» мухбири Даврон БАҲРОНОВ суҳбатлашди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0361

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Вақт ортга чекинди бахтнинг олдида,
Тонгларни унутдим, тунни унутдим.
Меҳрингдан ясалган тахтнинг олдида
Қайғуни унутдим, хунни унутдим.

Вақт ортга чекинди меҳринг олдида,
Унутдим кўзимнинг шўр томчиларин.
Сирин мен билмаган меҳринг олдида
Итқитдим елкамдан ғам қамчиларин.

Вақт ортга чекинди, сен борсан фақат,
Менинг тонгим — сенинг шод табассуминг.
Туним — ҳажринг аро қилганим тоқат,
Эй тонгим, эй туним, мен сенинг киминг?

Мен қанча яшадим, ўтди қанча йил,
Бормидир эслашга лойиқ хуш оним.
Нега бунча бедор, безовтадир дил,
Мен қанча яшайман, билсанг айт, жоним?

* * *

Табиат донишманд, табиат ўктам,
Кўксига ғамларни йиғмайди қат-қат.
Дардлари ичига сиғмагани дам
Бир бор вулқон бўлиб отилар фақат.

Табиат тадбиркор, табиат ўткир,
Гумонларин дилга тугмас, мисли тош.
Булутлар тўдаси йиғилса бир-бир,
Иккиланмай дарҳол тўкади кўз ёш.

Табиат ақлли, табиат ўлмас,
Қўрқмайди бошида турса ҳамки дор.
Кўнгли топилса бас, севиб қолса бас,
Ер юзин гуллатиб айлайди баҳор.

Эҳ, менинг кўксимда ишқимдан ўзга
На вулқон, на ёмғирна баҳорим бор.
Ҳайратдан тилим ҳам келолмас сўзга,
Кўнглим туғёнларин этолмам изҳор...

Табиат тадбиркор, табиат ўлмас,
Кўнгли топилса бас, севиб қолса бас...

* * *

Осмоним, қилавер осмонлигингни,
Сенга фақат юксак кўк ярашади.
Ки кўрдинг ҳажр аро яксонлигимни,
Менга юрак тўла чўғ ярашади.

Гулдуослар чалгил, чақмоқлар чаққил,
Яшин йўллаб зумда боримни ёққил,
Ким эдим, деёлсам, тенгимдек боққил.
Менинг пешонамга дўқ ярашади.

Кучоғингда масрур ою юлдузлар,
Ва яна ҳавасда не қаро кўзлар,
Менинг дафтаримда йиғлайди сўзлар,
Узун тилларимга чўғ ярашади.

Ер қолиб осмонга парвона бўлдим,
Сабримни топмайин девона бўлдим,
Ситамлардан кўкси юз пора бўлдим,
Биз нишон тахтаким, ўқ ярашади.

* * *

Қанча олим бўлсанг шунча яқинсан,
Тўсиқ бўла олмас юз-юз чақирим.
Ғамга ғарқ тунимда чаққан чақинсан,
Кўнгил бораверар сени чақириб.

Ўртада йўлларнинг заҳмати йўқдек,
Гўё қўл-оёғим эмас занжирбанд.
Сайёд камонидан узилган ўқдек
Сен томон сурилиб борар Самарқанд.

Тунг азобларга кўнмаган дилим,
Бағри қон қуёшга айтади арзин.
Нурларнинг-да сенга етмайди қўли,
Офтоб ҳам узолмас кўнглимдан қарзин.

Юзи оқ варақлар танҳо сирдошим,
Кўзим ёшларидан боради ивиб.
Бир кун кўксингга еттанда бошим,
Бир боқишинг барин юборар юбиб.

2

* * *

Қалбимда оқади бир дарё олов,
Нечун иккиланмай отдинг ўзингни?
Қип-қизил чўғлардан кўтариб ялов,
Майлими, ўт билан очсам кўзингни?

Майлими, ҳар сўзим куйдириб чўғдай,
Тоза юрагингни нишонга олса?
Энг мерган бир овчинг отолган ўқдай,
Тоза юрагингдан чиқмайин қолса?

Майлими, ниғоҳим худди яшиндай,
Кўзларимга боққан кўзингдан урса.
Юрагинг ўртанса қора қошингдай,
Етмиш томирингда олов югурса?

Майлими, сочингдан тирноғингтача
Қуёшли кунларим билан куйдирсам?
Олов дарёсини кеча ва кеча
Сочимдан тирноғим қадар суйдирсам?

Майлими, йўлингни тўсмоқ қасдида,
Узгил деб қип-қизил гулга айлансам?
Сени ёқаман деб, ўзим аслида
Ишқингда бир ҳовуч кулга айлансам?!

Майлими...

* * *

Сен мени шунчаки қийнамоқчисан,
Сабру бардошимни ўйнамоқчисан,
Нозик юрагимга қалайвериб чўғ,
Аслида сен мени унутганинг йўқ.

Гўё дилимдаги зорга ишинг йўқ,
Сочларимга ёққан қорга ишинг йўқ.
Гўё йўлларимдан ҳеч ўтмагансан...
Барибир сен мени унутмагансан.

Бу синган кўнглимни синдираверма,
Қаҳрингга кетма-кет кўндираверма.
Биламан унутиб қўймайсан ҳеч ҳам.
Майлими, мен сени унутиб қўйсам?

* * *

Аёзли кунларни менга юбориб,
Ўзинг қайга кетдинг, қайга азизим?
Совуқдан жунжиккан майсадай ғариб,
Кўнглим чўкиб кетди, йўлингда кўзим.

Нега ҳароратга дуч этдинг мени,
Нега авайладинг, кўргаздинг меҳр?
Энди кўниколмай сенсиз кунларга
Тилимдан тўхтовсиз тўкилади шеър...

«ҚАНДАЙСИЗ?»

Ойдайман!
Ҳар кеча чиқаман осмонга порлаб,
Йўқотганим излаб тикиламан жим.
Мени ҳузурига интизор чорлаб,
Кел, дея ялинмас, тиланмас ҳеч ким.

Ойдайман!
Минг-минг юлдузларни қўяман посбон,
Сизни қаратай деб ташлайман сочиб.
Ойнаси тўсилган уйларга томон
Ойингизни ташлаб кетасиз қочиб.

Ойдайман!
Ҳар тун ваъдамга қилгайман вафо,
Васлингизни излаб кўкка чиқаман.
Меҳр истаб келаман, топаман жафо,
Кўкларда бўлсам ҳам йўққа чиқаман.

Ойдайман!
Яшаш жойим баланд осмон бўлса ҳам,
Кўксингиздан менга бермадингиз жой.
Бағрим тўла доғу киприкларим нам,
Ҳасратларим билан мен ҳаммадан бой.

Ойдайман!
Тун бўйи йўлингиз пойлаб чиқаман,
Тонг қадар кўзларим тўлади ёшга.
Ҳижрон дарёсига унсиз чўкаман,
Айланаман энди оддий бир тошга.

Хосият БОБОМУРОДОВА.

3

КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Марғилонда Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов номидаги биринчи республика хонандалари кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов бошчилигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати мамлакатимизнинг кўплаб вилоятларидан келган ижрочиларнинг чиқишларини эътибор билан тинглаб ғолибларни аниқладилар. Биринчи ўрин ва биринчи даражали диплом хонанда Оролмирза Сафаровга, иккинчи ўрин Шавкатжон Қаюмов ва Адҳамжон Солиевларга, учинчи ўрин эса Аҳаджон Одилов, Мунаввархон Човарова, Санобархон Сатторовларга насиб этди. Марғилон шаҳар ҳокимлиги, вилоят маданият ишлар бошқармаси, «Камолот», «Олтин мерос», «Наврўз» жамғармалари ҳам ғолибларга ўз мукофотларини топширдилар.

(Ўз мухбиримиздан).

Спорт

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Шу кунларда Тошкентдаги «Динамо» теннис ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда анъанавий равишда ўтказилаётган «Челенжер» дастуридаги халқаро мусобақа давом этмоқда. Юртимизда хотин-қизларни теннис баҳсларига жалб этиш, улар ўртасида оммавийликни таъминлаш, халқаро майдонларда муносиб ўйин кўрсатишга қодир ёшларни тарбиялаш мақсадида уюштирилаётган бундай мусобақанинг аҳамияти беқиёс. Бу галги мусобақа ҳам нуфузи жиҳатидан анча баланд. Жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатидан келган теннисчи хотин-қизлар совринли ўринлар учун ўзаро баҳслашмоқдалар.

Мусобақа мезбонлар — Ўзбекистон теннисчилари учун тажриба тўплаш, маҳоратни ошириш борасида ўзига хос синов вазифасини ўтамоқда. Зеро, мутахассислар теннисчиларимиз орасида тиришқоқ ва лаёқатли ёшлар борлигини эътироф этмоқдалар. Хусусан, Ирода Тўлаганованинг олмониялик Кирстен Фрейе билан баҳси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Гарчанд теннисчимиз 2:6, 2:6 ҳисобида имкониятни бой берган бўлсада, унинг маҳорати ошиб бораётгани кўзга ташланди. Шунингдек, Наташа Никитина грециялик Христина Пападакига имкониятни бой берди. Зотан, Наташанинг учрашувни тайбреккача олиб боргани мухлисларни қувонтирди. Россиялик Екатерина Сисоева словак Людмила Червановани, америкалик Эрика Делоне япон Каода Шибатни мағлубиятга учратиб, курашнинг навбатдаги босқичига йўлланма олдилар.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

— Тўкмасдан олиб кетишса-да, из қолдирмасдан...

Муроджон УНГАРОВ чизган расм.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ масъул котиби, шоир **Султон АКБАРИЙ**нинг узоқ касалликдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Шуур» корхонаси **ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.
Мурожаат учун телефон: 62-45-39.

«Гентинг Индах»
компаниясининг расмий вакили
хорижий мамлакатлардаги ўқув марказлари, мактаблар, коллежлар, олий ўқув юртлари, университетларда ўқишни, шунингдек, сиртқи масофали (дистанционли)
ўқишни таклиф этади.
Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.
Ўқиш учун:
**Билимлар олдиндан чамаланади.*
**Ўқув юртлари, уларнинг ўқитиш соҳалари, шакллари тўғрисидаги маълумотлар берилади.*
**Мослашиш ва бошқа масалалар тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатилади.*
**Ихтисослик ва тил ўрганиш тайёргарлиги синалади.*
**Ҳужжатлар расмийлаштирилади.*
Телефонлар: 680-986, 356-974.
Манзил: Тошкент ш, Оққўрғон кўчаси, 2-уй. Физкультура институтининг тиллар кафедраси.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
"ТОШШАҲАРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
сифатли автохизмат турларини
КЎРСАТАДИ.
Хар бир хайдовчининг иш стажи 5 йилдан зиёддир.
Автомобиллар техник жихатдан соз, ёнилғи билан тўла таъминланган, турли юкларни ташиш учун ихтисослашган.
Тошкент шахри бўйича бир кунда 100 километргача юрадиган битта автомашинанинг тарифлари қуйидагича:
"ГАЗ-24" "Пикап" юк машинаси — 2600 сўм;
"ГАЗ-52" бортли машина — 2800 сўм;
"ГАЗ-52" фургон (мебель ташиш учун) — 2900 сўм;
"УАЗ-452" — 2700 сўм;
"ГАЗ-53" "Б" самосвали — 3100 сўм;
"ММЗ-4502" самосвали — 3500 сўм;
"ГАЗ-53" бортли машина — 2900 сўм;
"ЗИЛ-138" бортли машина — 3100 сўм;
"ПАЗ-672" юк ва йўловчи ташиш — 3100;
Бир кунда 150 км.гача юрадиган битта енгил автомобилнинг тарифлари:
"Доган" — 2700 сўм;
"ГАЗ-24" — 2900 сўм;
Автобуслар:
"Икарус", "ЛАЗ", "ПАЗ" тарифлари шартнома асосида.
Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисида хизмат кўрсатиш тарифлари шартнома асосида.
Тўлов усули — турлича.
Бизнинг манзил: Қорасув-6 мавзеси,"Аэродромная" кўчаси, 5.
Телефонлар: 96-19-32, 65-32-03. Факс: 96-16-32.